- Сухбатнинг кириш ва якунланувчи кисмлари мазмунини ифодалаш;

.>к

Сухбат мазмунида ўқувчиларнинг хаёт фаолиятидаги хулк-атвори билан боглик; масалаларнинг тугри ёки нотугри эканлигйни курсатиб , бериш.

б) Сухбатга ўқувчиларни тайёрлаш ишлари:

ўқувчиларни сухбат мавзуси ва мақсади, ўтказилиш вакти хакида олдиндан огох килиш;

- ўқувчиларга мавзуга оид ахлокий тушунчаларни бойитишга ёрдам берадиган адабиётларни тавсия этиш;

ўқувчиларда ахлокий тушунчаларнинг шаклланишига олиб келадиган шароитни яратиш;

- ўқувчиларда мавзуга оид вазифаларни булиб бериш.

3. Сухбатнинг бориши:

а) кириш - сухбат мавзуи, унинг долзарблиги ва ахамияти хакида синф, гуруҳ раҳбари (талаба)*нинг маърузаси;

б) асосий кисм-ўқувчиларда ахлокий тушунчаларнинг таркиб топишига хизмат қиладиган усуллар ёрдамида сухбат олиб бориш, бунда ўқувчилар томонидан тайёрлаб келинган материаллардан кенг фойдаланиш;

в) якуний кием - синф, гуруҳ раҳбари, мураббийнинг ўқувчиларда уз хулкини тахлил этиш, бахолаш, чикарилган хулосаларга мувофик харакат килиш хохишини уйготувчи хиссий мазмундор нутки.

4. Ўқувчиларнинг онги билан хулки уртасида узвийликни таъминлашга Каратилган сухбатдан кейинги ишларда фойдаланишни ташкил этиш.

## 1.6. Маънавий-маърифий тарбия ишларини режалаштириш ва унга куйилган педагогик талаблар

Синф, гуруҳ мажлиси.

Синф, гуруҳ мажлиси - тарбиявий иш усулларидан бири булиб, синфда ўтказиладиган тадбирларни режалаштириш, чорак якунлари, ўқувчиларнинг фанларни узлаштириши, тартиб-интизоми, ахлок-одоби, бир-бирига узаро ёрдами, кийиниши, шунингдек, синфда руй берган ижобий за салбий узгаришлар мухокамаси каби масалаларга бағишлаб ўтказилади. ,ч

Синф, гуруҳ мажлислари купчилик холларда синф, гуруҳ раҳбарлари томонидан ўтказилади. Уқувчилар эса факат тингловчи булиб коладилар. Бундай синф мажлисларининг тарбиявий самараси кам булади. Аслида, мажлисда барча ўқувчиларнинг фаол булишини таъминлаш, синф раҳбари эса кузатувчи булиши л озим. Шундагина ўқувчилар маънавиятида сезиларли ютукларга эришиш мумкин.

Синф, гурух; мажлисини муваффакиятли ўтказиш учун унга пухта тайёргарлик куриш ишлари асосан қуйилардан иборат:

1. Синф, гуруҳ раҳбари, мураббий синф, гуруҳ, фаоллар йигилишида катнашиб, уларга мажлис мавзуси, мақсади, унда куриладиган масалаларни белгилаш ва сузга чикувчиларни аниклашда ёрдам курсатади.

2. Синфбоши (сардор) ва тахрир хайъатининг тайёргарлик ишларига кумаклашади, уларга тупланган далилларни кайта ишлаш, мажлиснинг ташкилий томонларини уюштириш буйича маслахатлар беради.

3. Синф хонасини мажлисга хозирлайди.

Мажлиснинг карор лойихасини тайёрлашда иштирок этади. Мажлис қуйи тартибда ўтказилади:

1. синфбоши (сардор) томонидан мажлиснинг очилиши;
2. мажлис раиси ва котибини сайлаш;
3. мажлис иштирокчиларига олдин кабул килинган карорнинг бажарилишига дойр ахборот бериш;
4. раис томонидан йигилишда мухокама килинадиган масалаларнинг эълон килиниши;
5. маъруза, ахборотларни тинглаш ва мухокама килиш;
6. мажлис карорини чикариш;
7. синф раҳбари ёки гуруҳ, раҳбарининг якунловчи сузи.

Синф, гуруҳ мажлисида котиб томонидан баённома ёзиб борилади. Баённома синф мажлисининг боришини, ўқувчиларнинг чикишларини ва кабул килинган карорни аник, тупик кайд килувчи расмий хужжат хисобланади.

Ижтимоий фойдали фаолиятга дойр тадбирлар

Уқувчи шахси касбий фаолият жараёнида шаклланиб, ривожланади. Уқувчининг фаолияти канчалик бой ва хилма-хил булса, унинг хдр томонлама ривожланиши учун шунча куп имкониятлар юзага келади. Акс холда, тарбия хакида гап хам>>булиши мумкин эмас. Энг мухими шундаки.

# 2-БОБ. МАЪНАВИЙ-МАРИФИЙ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДЛАРИ

## 2.1. Маънавий-ахлокий тарбия методлари уларнинг тарбиявий жараёндаги роли

Уқувчилар маънавий-ахлокий тарбияси доирасида ўтказилувчи тадбирлар қуйи шакл ва методлар ёрдамида амалга оширилади: Маънавий-ахлокий тарбия методлари:

"Ўқувчилар онгига таъсир этувчи методлар: хикоя, тушунтириш, маъруза ва семинар ташкил этиш, маънавий-ахлокий мавзудаги сухбат, ишонтириш, намуна курсатиш, бахс, мунозара, учрашув, матбуот конференцияси, танловлар ўтказиш. матбуот материаллари, ўқув ва ёр-дамчи адабиётлар билан ишлаш.

Маънавий-ахлокий хулк, бу борадаги хаётий тажрибаларни хосил килишга кумаклашувчи методлар-расмий ва ишчанлик уйинлари, мусобака ва деворий газета, маънавий-ахлокий мавзулардагй журнал, альбом тайёрлаш. ахлокий муаммолй'вазиятларни хал этиш ва бошкалар.

Маънавий-ахлокий тарбияни ташкил этишда қуйи воситаларга таяниб иш куриш самарали натижалар беради: ўқувчиларнинг шахсий ёндошуви. жамоатчилик фикри, оммавий ахборот воситалари, бадиий адабиётлар, намуна курсатиш, кургазмали куроллар, маънавий-ахлокий муносабатлар жараёни.

Маънавий-ахлокий тарбия тизимида маънавий-ахлокий мавзудаги сухбатлар алохида ахамиятга эгадир. Бундай сухбатлар мазмун жихатидан ранг-баранг булиши мумкин. Маънавий-ахлокий мазмундаги сухбатларни ўтказишнинг бош вазифаси1 ижтимоии-ахлокий муносабатлар, турли ходисаларга нисбатан ўқувчиларда муайян муносабатни карор топтириш, уларнинг мазмунига тугри бахо беришга ургатишдан иборатдир.

Маънавий-ахлокий сухбатлар ўқувчиларда ахлокий тасаввур, • тушунча, билимларни чукурлаштирувчи, аниклаштирувчи, янги

маълумотларга оид ахборот (уерувчи хамда уларни мустаҳкамловчи восита булиб хизмат килади.

Маънавий-ахлокий мазмундаги сухбатлар мавзуси шахе маънавияти-ахлокининг умумий уоясидан, ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражаси, шунингдек, уларнинг кизикиш ва эхтиёжларидан келиб чикиб белгиланади. Айрим холларда муайян вокеа-ходисалар сухбат учун мавзу булиши мумкин. Сухбатни олиб борувчи унинг режаси ёки асосий масалаларини ишлаб чикади, бу хакида сухбат иштирокчиларига олдиндан айтади, айрим масалалар буйича сузга чикувчиларни белгилаб, сузга чикишни тайёрлайди. Сухбаж учун тегишли адабиётлар тавсия этилади. Сухбат учун ўқувчилар хаёти ва бадиий адабиётларда баён этилган мисоллар асосида далиллар тупланади.

Сухбат олиб борувчининг кириш сузи билан бошланади, сухбат иштирокчиларининг мулохазалари тингланади. Билдирилган фикр-мулохазалар асосида сухбат материал и тулдирилади, умумлаштирилади хамда якун ясалади.

Маънавий-ахлокий мазмундаги сухбатлар. "Шахе маънавияти нима ва у кандай шакл-ланади?", "Ўқувчи жамоа уртасида узини кандай тутиши керак?", "Жамоа транспортидан фойдаланиш коидалари", "Она-табиатни омон саклаш бизнинг бурчимиз", "Ватан-мукаддас гуша", "Фарзанд-камоли, Ватан-жамоли", "Она-муътабар зот", "Нон-табиатнинг бебахр неъмати", "Мардлар куриклайди, Ватанни" ва хоказо каби мавзуларда ташкил этилиши мумкин. Маънавий-ахлокий сухбатлар жараёнида ибратли хикоят. ривоятларни жамоа иштирокида 'амалга ошириш ёки маълум мавзуга дойр театрлаштирилган куринишларни намойиш таъсир кучини янада оширади.

Сухбат хайрихохлик ва ижобий эмоционал вазиятда ўтказилиши керак. Сухбатни олиб борувчи ўқувчиларнинг жавобларини диккат билан тинглаши, маъкул бўлган жавобларни рағбатлантириб бориши, номакбул жавобларни эса одоб доирасида тузатиши лозим.

Ўқувчилар маънавий-ахлокий камолотини таъминлашда мунозаралар хам мухим ахамият касб этади. Маънавий-ахлокий мавзулардаги мунозаралар ўқувчиларда мўайян холат, ходисаларга нисбатан тугри бахо беришга, бу борада фикр юритишга ургатиш хамда эътикодни шакллантиришга хизмат килади.

Мунозара уй-фикрларни тартибга солади, ўқувчиларни мустакил фикрлашга, бахс юритишни ташкил этишга, уртогини тинглашга, уз фикрини илгари суриш ва уни образли тарзда химоя килишга, айни чоуида уз хатоларини тан олишга ургатади.

Мунозара учун гурух̧, синф фаоллари билан хамкорликда 5-6 та масала ишлаб чикилади. Иштирокчиларга олдиндан маълум килинади. Мунозара жараёнида сузнинш ёркин, жонли булиши талаб этилади. Тайёр матнни укиб беришга йул куйилмайди. Мунозара якунида фикр-лар умумлаштирилади, тузатишлар киритилади, якунланади. Аудиторияни билиш, гурух̧, синф фаоллари билан иш олиб бориш, мунозарага мутахассисларни таклиф этиш-мунозаранинг му-ваффакияти ва тарбиявий таъсирини таъминлайди. Мунозара аник ва сунгги ечимни талаб килмайди.

Ишонтириш тарбия методи-ўкувчилар маънавий-ахлокий дунёқарашини шакллантиришдаги асосий методларидан бири хисобланади. Ишонтириш методида тарбиячи ўқувчилар онгига, рухига, ориятига, иродасига таъсир. этиш нули билан уларнинг характеридаги ахлокий интеллектуал ва бошка ижобий хислатларини шакллантиради, иллатларни камайтиради. Салбий хислатлардан саклайди. Ишонтириш шаклланаётган шахсга умуминсоний кадриятларга, миллий удум ва анъаналарга, фалсафий дунёқарашга асосланиб, миллий истиклол мафкурамизни асл мохиятини чукур тушунтиришга таянадиган метод хисобланади.

Ижобий шахсий намуна-ўкувчилар шахсини шакллантиришда алохида урин эгаллаши мумкин бўлган метод булиб, у шахсга шахе оркали таъсир этишнинг энг объектив йули хисобланади.

Ёшлар то балоуат ёшиг#'етиб, мустакил хдётни бошлагунлари кадар купчилик шароит-ларда билиш, ургниш жараёнида асосан укитувчи-тарбиячига, ота-онага, куни-кушнига, достон, драма ёки адабий асарлар кахрамонларига таклид килишади.

Ўқувчилар узлари ёктирадиган одамга таклид килиш натижасида узларини магрур тутадилар, хатти-харакатлари худди катталарникидай туюлади. Я.Н.Коменскийнинг фикрича "Бола укишни ўрганишдан олдин таклид килишни урганади".

Такдид килиш оркали ёшларнинг уз тажрибаси кушилиб кетиб уларда янги шахсий хислатлар пайдо була бошлайди. Иккинчи томондан ёшлар етуклаша бориши билан таклид килиш жараёни хам узгара боради. энди таклид килинаётган хислатлар танланади.

Умуман, таълим-тарбия жараёнида укитувчи одоби, аъло укийдиган ўқувчиларни бошкаларга намуна килиб курсатиши оркали хам синф ўқувчиларининг тарбиясига ижобий таъсир курсатиш мумкип. Бирок, намуна килиб курсатувчи ўқувчини шахсини хаддан зиед мактамаслик ва узгаларнинг шахсиятига тегмасликка алохида эътибор бериш лозим.

Интизомлиликни шакллантиришнинг классик методларидан бири рагбатлантириш ва жазолаш методи хисобланади.

Рагбатлантириш ва жазолаш методида ўқувчи шахси эмас, балки айни вактдаги хатти-харакати, киликлари, ўқувчининг индивидуал хусусияти, ходиса юз бераётган вазият, сабаб-окибатлар назарда тутилади. Рагбатлантириш ва жазолар ёлгиз ўқувчига ёки синфга ёхуд мактаб жамоасига кулланиши мумкип. Бирок, раубатлантиришни хам жазолашни хам, хох, алохида шахсга булсин, хох, жамоага тез-тез ва такрорий берилса уз тарбия кучини йўқотади.

Рағбатлантиришииинг ёзма, огзаки ва имо-ишоравий шакллари кулланилади. Мацташ, ташаккур билдириш, мукофотларнинг хилма-хил тури рагбатлантиришнинг ёзма ва огзаки турига киради. Имо-ишоралар билан бошни кимирлатиб, табассум ва юз-кул харакатлари билан

маъкуллаш, "баракалла", ^ "куп яша", "рахмат", "маъкуллаш", рагбатлантиришнинг иккинчи турига киради.

Мукофотнинг моддий шакллари: китоб, ўқув куроллари, театр ёки кинога билет, дам олиш уйларига, сайёхатларга йулланмалар, пул мукофоти, мактов когози ва бошкалар.

Жазо ўқувчиларни ёмон салбий киликлар салбий харакатлар, одобсизликлардан саклайдиган усуллардан хисобланади. Аммо, болани йул куйган хатоси учун жеркиш хаддан зиёд коралаш, бемахал унга караб бакириш салбий окибатларга олиб келади.

Мактабларда" жазо чоралари ўқувчилар ва мактаб маъмуриятининг огзаки танбехи, синф ўқувчиларининг уртасида огохлантириш, уй вазифасини бажартириш учун дарсдан кейин олиб колиш, мактаб буйича , буйрук билан хайфсан эълон килиш, бир синфдан иккинчисига, бир мактабдан бошкасига ўтказиш чоралари курилиши мумкип.

Уқувчиларнинг салбий харакатлари, таргиб бузганликлари учун уларни койиб туриш зарур. Танбех, бераман деб ўқувчиларнинг хак-хукукини поймол килиб, каруаб сукиш урнига панд-насихат килган маъкул булади.

Иложи борича уялтириш, танбех, беришни алохида, юзма-юз, якка тартибда ўтказилгани мақсадга мувофикдир. Юкори синф болалари ва кизларини уртоклари олдида камрок уялтириш максадга мувофикдир.

Умуман, уялтириш ва танбех, бериш тадбир сифатида ишлатилганда иложи борича ўқувчилар характерини ва ёш хусусиятларини хисобга олгани маъкул.

## 2.2. Онгли интизом-аклий тарбиянинг таркибий

Ижтимоий жамият хаётининг тартибли кечишини таъминлаш мақсадида ахлокий хамда хукукий меъёрлар кабул килинган. Ижтимоий-ахлокий меъёрлар омма томонидан яратилган булиб, унда муайян миллат

(элат, кабилалар ёки этник гуруҳлар) кишиларнинг турмуш тарзи, хаётий ёндашувлари, уй-фикрлари, дунёқарашларини намоён этувчи талаблар акс этади. Ижтимоий-ахлокий ^меъёрлар омма фикри асосида тартибга солинади.

Жамият ижтимоий хаётида мухим урин тутувчи ижтимоий-хукукий меъёрлар эса давлат томонидан кабул килиниб, тегишли конун актлари асосида тартибга солинади. Ижтимоий-ахлокий меъерларга амал килишда ихтиёрийлик тамойилининг ўстунлиги кузга ташланса, ижтимоий-хукукий меъерларга амал килиш мажбурийлик хусусиятига эгадир.

Интизом ижтимоий-ахлокий ва хукукий меъерларга нисбатан онгли ёндашув, уларга тула амал килиш демакдир. Бошкача талкин этиладиган булса, интизом-шахс фаолиятининг ижтимоий-ахлокий хамда ижтимоий-хукукий меъерлари талаблари асосида ташкил этилиш курсаткичи саналади. Онгли интизом тушунчаси эса шахе фаолиятининг ижтимоий-ахлокий хамда ижтимоий-хукукий меъёрлар талаблари асосида аклий кувватга таянган холда ташкил этилиш курсаткичидир. Онгли интизом тарбияси ўқувчилар томонидан интизомнинг мохияти, унинг ижтимоий жамият хамда шахе хаетида тутган урнини тугри бахолаш, шунингдек, ижтимоий-ахлокий ва ижтимоий-хукукий меъёрлар талабларига онгли муносабатни шакллантиришга йуналтирилган педагогик жараёндир. Ўқувчилар уртасида онгли интизом тарбиясини ташкил этиш жараёнида қуйи вазифалар амалга оширилади:

Ижтимоий-ахлокий ва ижтимоий-хукукий меъёрлар мохиятини ўқувчилар онгига сингдириш, онгли интизом тушунчасини карор топтириш.

Уқувчилар томонидан ижтимоий бурч мохиятининг узлаштирилишига эришиш.

Уқувчиларда ижтимоий бурчни адо этиш жараёнида онгли ва ихтиёрий фаолиятини ташкил этиш борасидаги куникма ва малакаларни шакллантириш.

Укувчиларда кундалик хаётий режим асосида фаолиятни ташкил этиб куникмасини хосил килиш.

Ўқувчиларда мехнатни илмий асосда ташкил этиш (мехнат ва дам олиш фаолияти, аклий ва жисмоний мехнат фаолияти уртасида узаро мутаносибликнинг карор топишига эришиш) куникма ва малакаларини хосил килишга эришиш.

Ўқувчиларда таълим муассасаси ички тартиби кридаларига буйсуниш хиссини шакллантириш.

Интизомсизликнинг олдини олган холда интизомсизликка карши курашишга йуналтирилган фаЪлиятини йулга куйиш ва бошкалар.

Таълим муассасаларининг мухим вазифаларидан бири ёш авлодни онгли интизом рухида тарбиялашдир.

Таълим муассасаларида урнатилган интизом таълим муассасалари жамоасини жипслаштириш, таълим муассасаси ички хаёти ва фаолиятининг муътадил кечишини таъминлайди. Интизом ўқувчилардан хамжихатлик асосида фаолият олиб бориш, ўқув юрти манфаати учун биргаликда курашиш, раҳбарият хамда ваколатли ўқувчилар органлари, унинг аъзолари талабларини тугри талкин этиш ва уларнинг бажарилишини талаб этади. *

Укув юртида карор топган онгли интизом ўқувчилар фаоллиги ва ташаббускорлигининг усишига ёрдам беради. Шунингдек, онгли интизом ўқувчиларнинг укиш ва мехнат фаолиятига онгли муносабатда булиш, ўқув юрти ички тартиб интизомига буйсуниш, жамоа томо-нидан топширилган топширикни бажаришга виждонан ёндашган холда хулк-" атвор меъёрларига катьий риоя этиш зарурлигини тушуниб олишлари ва уларга уз ихтиёрлари билан итоат этиш куникмаларининг хосил булишига шароит яратади.

Таълим муассасалари ўқувчиларида интизомлилик хислатининг хосил булиши учун таълим-тарбия ишларининг сифатини яхшилаш, уларнинг самарадорлигини оширишга имкон беради.

Онгли интизом жамоа ёрдамида олиб борилган тарбиявий ишларнинг натижасигина булиб колмай, айни вактда, тарбия воситаси сифатида хизмат килади. Интизом курсаткичи канчалик юксак даражага кутарилса, унинг тарбия воситаси сифатидаги таъсири шунча ортиб боради. Интизомли жамоа уз аъзоларини ички тартибга риоя килишга, муайян хулк меъёрларига амал килишга, укитувчилар топширикларини бажаришга, уз тенгдошларига намуна курсатлшга, ижтимоий бурчни англашга ургатади. Бундай жамоа ўқувчи нотугри ха-ракат килса, унинг хатоси курсатилади, натижада ўқувчи томонидан уз хатосини англаши, тугрилашга бўлган уриниш юзага келади. Ўқувчи ва жамоа уртасида онгли интизомни карор топтириш икки томонлама таъсир кучига эгадир. Ўқувчи жамоа доирасида жамоанинг салбий хусусиятларини йўқотиш учун курашади, жамоа эса ўқувчидаги мавжуд нуксонларни бартараф этишга уз улушини кушади.

Интизом ўқув ишларига гоят катта таъсир курсатади. Укитувчиларнинг топширикларини, жамоа карорларини бажариш, машгулотларга кечикмасдан етиб келиш хамда сабабсиз биронта хам дарсни колдирмаслик, дарсда тартиб саклаш, уй вазифаларини уз вактида бажа-риш каби холатлар таълим жараёнининг муваффакиятини, шунингдек, ўқувчиларнинг чукур билим олишлари учун имкон яратади. Шундай экан, кайсики ўқув гортида укитувчи ва ўқувчилар жамоаси интизом коидаларига каттик^риоя килса, уша ўқув юртида узлаштириш юкори даражада булади, тарбиявий ишларни ташкил этишда юксак натижалар кулга киритилади.

Ўқувчиларнинг онгли интизомини карор топтиришда кундалик хаётий режим хамда унга катъий амал килиш мухим ахамият касб этади. Уатъий даре жадвали, синфдан ва мактабдан ташкари тарбиявий тадбирларни уюштириш ва уларни ўтказиш, кундалик фаолиятни аник режалаштириш ўқувчининг шахеий хаётини муайян тартибга солишга хизмат килади.

Ўқувчиларнинг кундалик хаётий режимини ишлаб чикишда мактаб ва ташкари таълим муассасалари муайян урин эгаллаши лозим. Улар

орасида номувофиклик булмаслиги керак. Умумий урта таълим мактаблари тарбиявии тадбирларни режалаштираётганда мактабдан ташкари таълим муассасалари тадбирлар режасини, мактабдан ташкари таълим муассасалари эса умумий урта таълим мактабларининг тадбирлар режаси мазмунини инобатга олиши лозим. Шунингдек, улар ўқувтарбиявий тадбирларни биргаликда ўтказишлари янада мақсадга мувофик булади.

Ўқувчиларни кундалик режимини уз ташаббуслари билан тузиш ва бажаришга ургатиш мухимдир. У узининг кундалик режимини мактаб ва мактабдан ташкари муассасалар иш режаси билан мувофиклаштиришга эришиш мақсадга мувофикдир. Кундалик режимни тузиш, унга риоя килиш, фаолият турларини, иш хажмини, дам олиш, овкатланиш, ухлаш ва , гигиена талабларига амал килиш кабиларга ажратиладиган вактни белгилаш шартини ота-онал&р ва укитувчилар уларга ёрдамлашишлари яхши натижалар беради.

Кундалик режимга амал килиш факат организмнинг физиологик кувватига ижобий таъсир курсатиб колмай, балки иш учун зарур тартибни юзага келтиради, унинг бажарилиши-ни енгиллаштиради, режимга, интизом талабларига ижобий муносабатни шакллантиради.

Онгли интизом туйгусини ўқувчиларда шакллантириш қуйи мазмундаги фаолият-ни ташкил этиш асосида кечади:

а) мақсадга мувофик талабларнинг куйилиши хамда уларнинг ўқувчилар томонидан бажа|Я1лишини узлуксиз, доимий назорат килиб бориш;

б) ижтимоий-ахлокий ва ижтимоий-хукукий меъёрлар мохиятини тушунтириш;

в) онгли интизом мезонларидан бири бўлган интизомли хулк, характер ва ирода сифат-ларини хосил килиш мақсадида машк, килдириш ва ургатиш; ^

г) рагбатлантириш ва жазолаш. Рагбатлантириш - ўқувчининг намунали хулки учун бошкаларга ибрат килиб курсатиш, фахрий ёрликлар билан такдимлаш, деворий газетада ушбу ўқувчи тугрисида кичик маълумотнома бериш, унинг суратини махсус доскага куйиш, ота-онасининг номига ташаккурнома юбориш ва бошкалар. Жазолаш - ўқувчи (талаба) нинг хатти-харакати ва фаолиятини жамоа мухокамасига куйиш каби холат асосида ташкил этилади.

Юкорида билдирилган фикрларга таяниб қуйи хулосаларга келишимиз мумкин:

Маънавий-ахлокий тарбияни ташкил этиш ижтимоий тарбиянинг муваффакия-тини таъминловчи энг мухим омил саналади. Маънавий-ахлокий тарбия баркамол шахсни шакллантириш негизи, асосидир. Шу , боне, ушбу тарбияни ташкил этиш таълим муассасалари фаолиятининг мухим ва ажралмас таркибий кисмидир.

- Таълим муассасаларида маънавий-ахлокий тарбияни йулга куйилишининг қуйи турлар#алохида ахамиятга эгадир: сухбат, учрашув, эрталик, хафталик, ойлик, курик, конференция, бахс, мунозара ва бошкалар.

Онгли интизом шахе фаолиятининг ижтимоий-ахлокий хамда ижтимоий-хукукий меъёрлар талаблари асосида аклий кувватга таянган холда ташкил этиш курсаткичидир.

Онгли интизом тарбияси яхлит педагогик жараён булиб, унда ўқувчиларнинг ижтимоий-ахлокий хамда ижтиомий-хукукий меъёрларга онгли муносабати шакллантирилади.

## 2.3. Ахлокий тарбиянинг йуллари ва воситалари

Инсоннинг ахлокий тарбияланганлиги унинг теварак-атрофдаги нарсаларга бўлган турлитуман муносабатларидан намоён булади. У инсоннинг хисларида, кечинмаларида ифодаланади хамда хулк-атворида,

хатти-харакатида куринади. Ахлокий тарбиянинг мақсади шахсни ахлокий шаклл антиришдир.

Шахснинг мухим маънавий сифатлари бўлган ахлокий онг, хиссиёт ва хулкни шакл-лантириш; ватанпарварлик, ватанга мухаббат, Узбекистан герби, байроги, мадхиясига хурмат, инсонпарварлик, мехнатга муносабат, жамоа билан биргаликда килинадиган изланишларга муносабат, онгли интизом ва бошка туйгуларни камол топтириш ахлокий тарбиянинг асосий вазифаларидир.

Ахлокий тарбиянинг :?мазмуни аввало, ўқувчиларнинг амалий фаолиятларида, укиш, мехнат, жамоатчилик ишларида, уларнинг муносабатлари характерида, узаро таъсир курсатиш

усуллари, хулк-атвор меъёрларини узлаштиришларида намоён булади.

Ахлокий тарбия ёши ва ўқувчининг тугри йуналиш олиши учун хал килувчи таъсир курсатадиган мухитни (оила, уртоклар ва дустлар мухити) хам хисобга олганда шахснинг бутун хаётий фаолияти жараёнида амалга оширилади. Ахлокий тарбиянинг йул ва усуллари ўқувчиларга ахлокий сабок бериш каби махсус ишни ташкил килишда алохида хусусиятга эга. Ушбу йулларни куриб чиқайлик. Ахлокий билим бериш бир канча тарбиявий вазифаларни ба-жаради: инсон хаёти ва маданиятининг ахлокий кадриятлари туурисида кенг тасаввур беради.

Ахлокий тасаввурлар, қараш, мулохаза, бахо бериш каби тушунчаларасосида ахлокий эътикодни юксалтиришга таъсир курсатади, яъни: ўқувчиларни узларининг ахлокий тажрибаларини мушохада килишлари ва бойитиш-ларига ёрдам беради;

турли манбалардан ахлок туурисида олинган билимларни туурилайди; шахснинг узини ахлокий тарбиялашга замин яратади.

Ахлокий билим берищни ташкил килишда ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини, уларнинг шахеий ахлокий тажрибаларини, ахлокий меъёрлар туурисидаги хабардорлик даражаси-ни, ахлок сохасидаги

узлаштирган билимларнинг ахлокий талаблари билан муносабатини хисобга олиш зарур. %

**МАЪРИФАТ ДАРҒАЛАРИ**

1. Абдудла Авлоний (1878—1934} Тошкент шахрида тугилган.
2. Абдулла Кодирий (1894—1938) Тошкент шахрида тугилган.
3. Абдурауф Фитрат (1886—1938) Бухоро шахрида тугилган.
4. Ашурали Зохирий (1885—1937) Кукон шахрида тугилган.
5. Абдухамид Чулпон (1897—1938) Андижон шахрида тугилган.
6. Абдувохид Бурхонрв Мунзим (1875—1934) Бухоро шахрида тугилган.
7. Мухаммадшариф Суфизода (1869—1937) Чует туманида тугилган.
8. Муса Саиджонов (1893—1937) Бухоро шахрида тугилган.
9. Мунаввар Кори (187^—1931) Тошкент шахрида тугилган.
10. Махмудхужа Бехбудий (1875—1919) Самарканд шахрида тугилган.
11. Исокдон Тура Ибрат (1868—1937) Наманган вилояти Туракуррон тумани.
12. Бобоохун Салимов (1874—1929) Гурлан беклиги.
13. Абдукодир Шакурий (1875—1943) Самарканд.
14. Сайдахмадхужа Сиддикий—Ажзий (1864 — 1927) Самарканд вилояти Жомбой тумани.
15. Полвонниёз Хожи Юеупов (1863—1936) Хива.
16. Обиджон Махмудов (1858—1936) Фаррсна.
17. Убайдулла Хужаев (1880—1938) 7ошкеит.
18. Файзулла Хужаев (1891—1937) Бухоро.
19. Тулаган Хужамёров—Тавалло (1882—1937) Тошкент шахри Кукча дахаси.

# III- **БОБ. СИНФДАН ВА МАКТАБДАН ТАШКАРИ ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР КОНЦЕПЦИЯСИ**

«Синфдан ва мактабдан ташкари тарбиявий ишлар» концепцияси Халқ, таълими вазирлиги томонидан 1993 йилй тасдкланган эди. Узбекистан Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида кабул килинган янгй «Таълим туррисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дасту-ри тугрисида» Конунларини$_{г}$ Республикамизда маънавиятга алохида эътибор берилаётганлиги, улар асосида ишлаб чикилган хукумат ва вазирлик карорларини хаётга татбик, этиш, таълим сохасини тубдан ислох, килиш мақсадида мазкур коицепцияни кайта ишлашга тутри кел-ди. Янги тахрирдаги коицепцияни Кори Ниёзий номи-даги УзПФИТИ олимлари , гуруҳи Республика Таълим маркази мутахассислари ва Халқ, таълими вазирлиги ходимлари томонидан тайёрланди.

Коицепцияни тайёрлашда Халқ, таълими ходимлари, кенг жамоатчилик фикрлари инобатга олинди.

## 3.1. Синфдан ва мактабдан тарбиявий ишлар зарурияти

Узбекистан Республикасининг истикболга эришуви хамда уз мустакил сиёсий, иктисодий ва ижтимоий йулига эга булини, халқ, хужалигининг турли сохаларида, жумладан халқ, таълими тизимида ,ам усиб келает-ган ёш авлод таълим-тарбияси билан борлик, жараёни-ни кайта куриб чикишни такозо этмокда.

Хозирги пайтда, фан ва%аданиятнинг энг сунгги ютукдари асосида келажагимиз бўлган ёш авлодни хаётга тайёрлашнинг самарали шакл ва услубларини излаш нихоятда зарурдир.

Узбекистан Республикаси Президетининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тугрисида»ги фармонида курсатилгакидек,

жамиятда юксак маънавий фазилатларпи камол тонтириш, миллий мафкурани шакллантириш, ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний «кадриятларга хурмат, Ватанга мухаббат, истикбол рояларига садокат» рухида тарбиялаш мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохотларнинг хал килувчи омилидир.

Синфдан ва мактабдан ташкари тарбиявий ишларнинг самарадорлигини ошириш аввало комил инсонни шакллантиришнинг энг замонавий ва кулай йуналишларини топиб жорий этишга борлик. Ушбу Концепция хам худди шу мақсадда, шахе камолоти боскичларини белгилаб олишга йуналтирилган.

Тарбиявий ишларни давр талабига жавоб берадиган холга келтириш учун тарбиянинг асоси бўлган барча гоялар кайтадан куриб чикилиши, , асосий эътибор бола шахеига каратилиши, йиллар давомида тупланган ижобий тажрибадан унумли фойдаланиш зарурлигини такозо этади.

Тарбиявий ишлар хукук-тартибот органлари, ижодий уюшмалар, Давлат ва нодавлат жамгармалар, кумиталар ва ташкилотлар билан хамкорликда олиб борилади.

## 3.2. ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИНГ АСОСИЙ ЙУНАЛИШЛАРИ, МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Инсон шахеининг камол топиши жуда мураккаб ва узлуксиз жараён давомида шаклланади. Унинг тарбиясига ота-онаси, мактаб, махалла, дустлари, жамоат ташкилотлари, атроф-мухит, оммавий ахборот воситалари, санъат, адабиёт, табиат ва хоказолар бевосита таъсир курсатади.

Юкоридаги барча хаётий эхтиёжларни вужудга келтиришда узаро хамкорликнинг таъсир доираси оркали шахени тарбиялаш ва тарбиянинг бирлигини таъминлаган холда. уни шахе сифатида шаклланишига салбий таъсир курсатадиган мухитдан химоя килиш.

Тарбиянинг бош мақсади — ёш авлодни маънавий-ахлокий тарбиялашда халқнинг бой миллий, маънавий-тарихий анъаналарга, урф-одатлари хамда умумбашарий кадриятларга асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситаларни ишлаб чикиб амалга жорий этишдир. ,

Тарбиянинг асосий вазцфаси — шахснинг аклий, ахлокий, эркин фикрловчи ва жисмоний ривожланиши, унинг кобилиятларини хар томонлама очиш учун имконият яратишдир.

Бунинг учун: — ёшларни эркин фикрлашга тайёрлаш, хаёт мазмунини тушуниб олишига кумаклашиш, уз-узини идора ва назорат кила билишини шакллантириш, уз шахеий тўрмушига мақсадли ёндашув, уларда режа ва амал бирлиги хиссини уйротиш;

—ўқувчиларни миллий, умуминсоний кадриятлар, Ватанимизнинг бой маънавий мероси билан таништириш, маданий хамда дунёвий билимларни эгаллашга бўлган талабларини шакллантириш, малака хосил килдириш, тобора устириб-бойитиб бориш ва эстетик ту-шунчаларини шакллантириш;

—хар бир усмирнинг билимдонлигини ва ижодий имкониятларини аниклаб, уларни ривожлантириш, Инсон фаолиятини турли сохаларда жорий килиб куриш. БолаларПижодкорлиги, иктидорини юзага чикариш ва янада куллаб-кувватлаш учун шарт-шароит хозирлаш

-инсонпарварлик одоби меъёрларини шакллантириш (бир-бирини тушунадиган, мехрибонлик, шафкатлилик, иркий ва миллий камситишларга токатсизлик), муомала одоби каби тарбия воситалари (нохакликка, ёлрончилик, тухмат, чакимчиликка токатсизлик) кенг куланиши лозим.

—ватанпарварлик, дунёвий фикрлаш, жамиятимизда яшаётган одамлар билан узаро муносабат-мулокотни ўрганиш, уз халқига, давлатига, унинг химояси учун хамиша шай булиб туриш, Ўзбекистон Республикаси ва бошка давлатларнинг рамзларига хурмат билан қараш,

ёш авлодни Ўзбекистон Конституциясига, Байрогига, Гербига, Мадхиясига, Президентига садокатли килиб тарбиялаш;

—конуний жамоа ахлоки ва турмуш коидаларига хурмат билан қарашни тарбиялаш, шахснинг ноёб кирраларини белгиловчи фукаролик ва ижтимоий масъулият хисларини ривожлантириш, узи яшаётган мамлакатнинг равнаки, Инсоният тараккиётини баркарор сакаб колиш учун фидойилик, экологик таълим-тарбия;

—мустакил давлатимиз — Ўзбекистон Республикасинянг ички ва ташки сиёсатига турли ва холисона бахо беришга ургатиш. Унинг тинчликсеварлик, демократия ва бошка давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, ошкора-очик, ташки сиёсатига ва уз халқининг турмуш даражасишг оширишга йуналтирилган, фукароларни ижтимоий химоя қиладиган: ички сиёсатини турли тушунтирмок керак;

—турмушда энг олий кадрият хисобланган мехнатга ижодий ёндошиш фазилатларини шакллантириш;

—соплом турмуш тарзига интилишни тарбиялаш ва ривожлантириш, муносиб оила сохиби булиш истагини шакллантириш;

—ёшларимизни эркин мустакил фикрлашга ургатиш. Тарбиянинг асосий тизими қуйича булиши лозим:

—тарбия — тарбияланувчи шахсини олий ижтимоий кадрият деб тан олиш, хар бир бола, усмир ва ёш йигит кизнинг бетакрор ва узига хослигини хурматлаш, унинг ижтимоий хукуки ва эркинлигини эътиборга олиш;

—ёшларда истак ва имконият мувофикдиги туйгусини карор топтириш;

—миллийликнинг узига хос анъаналари ва воситаларига таяниш;

—шахслараро муносабатларда инсонпарварлик, педагоглар ва ўқувчилар уртасидаги бир-бирига хурмат муносабатлари, болалар фикрига эътибор килиш, уларга мехрибонларча муносабатда булиш,

Амалда тарбиявий жараён яхлит ва узлуксиз ишига ва турли ёшдаги болаларни камраб олишга алохида ахамият бериш лозим.

Усмир йигит ва кизлар нафакат булгуси катта хаётга тайёргарлик курадилар, балки ана шу хакикий хаёт билан яшайдилар.

Синфдан ва мактабдан татикари тарбиявий ишлар ўкувчиларнинг кизикиши, истаклари, хохищ ва эхтиёжларига суянган холда уларнинг дарсдан буш вактларида ўкув-тарбия жараёнини тулдиради. У ўкувчиларнинг ижодий кобилиятларини, ташаббускорлигини оширишга имконият яратади. Синфдан ташкдри ишларнинг узига хослиги шундаки, тугарак, клуб дастурларининг ранг-баранглиги, улар мазмунидаги янгиликлар усмир йигит- киЗйарнинг шахе сифатида шаклланишлари учун янги имкониятлар яратади.

**3.3. Синфдан ва мактабдан ташкари тарбиявий ишлар мазмуни, шакли ва услублари. эркин** тафаккур **юритувчи** шахсларни **тарбиялаш**

Фукаролик фаолияти уз давлати олдидаги ҳукук, ва бурчларини тан олипши, жамият белгилаган яшаш ва ахлок, меъёрларига онгли риоя этишни, мех,нат ва жа-моадв- фаолликни, маънавий етукликни барк,арор эта-ди:

—ислохотларнинг такдири ва самараси учун жавобгар, юртимизнинг эртанги куни ва истикболи учун фидойи шахсларни шакллантириш борасида устувор давлат сиёсати юритувчи;

—сиёсий онглилик ва ижтимоий фаоллик, яъни дав-латнинг ички ва халкдро сиёсатини тушуниш ва идрок килиш. Ватанпарварлик ва байналмилалликни хис этиш, ижтимоий сиёсий хаётда фаол катнашишга шай туриш;

—халк„ давлат олдидаги фукаролик бурчи, яъни конунчилик тамойилларини, узининг Ватан, махалла, оила олдидаги хукук ва

бурчларини билиши, уларга катъий амал килиши. Конунчиликнинг бузилишига муросасиз муносабатда булиш;

— шахснинг маънавий, ахлокий сифатларини тарбиялаш;

—жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, шаклланаётган миллий мафкурани ўқувчи-ёшлар онгига мукаммал етказиш;

—кишиларни уз-узини чукур англашини, мустакилликнинг мохиятини тобора теран тущуниши ва унинг кадрига етиши, миллий тафаккуртакомиллашувини, тарихий хурлик, мустакиллик рухининг уйгонишини таъминлаш маънавият сохасида сиёсатимизнинг асосий мақсадига айланишини тушунтириш.

Хозирги пайтда ахлокий ва маънавий жихатдан тарбиявий ишларни усмирлар орасида кучайтирйш зарур. Ахлок йўқ экан, инсон онгли ижтимоий шахе була олмай-ди. Шунинг учун ахлокий тарбия шахснинг хар томонлама ва эркин шаклланишида асосий уринни эгаллайди.

Мактаб ва мактабдан ташкари таълим муассасалари тарбиячилари (укитувчилар, синф раҳбарлари, маънавий-маърифий тарбия ишлари буйича директор урин-босарлари, болалар етакчилари ва бошкалар) жамоаси олдида доимо ўқувчиларга умуминсоний ахлок кридалари асосида хдёт кечиришни ургатищдек мухим вазифа туради.

Фанни ўрганишга мухаббат уйротиш, билимга ташналик фазилатлари ахлокий тарбиянинг ажралмае таркибий кисмидир. Болаларнинг укищдаги муваффакия-тидан унинг гуруҳидаги "урни аникданади, атрофдагиларнинг у билан муносабати белгиланади, укишдаги муваффакият—боланинг ахлокий тарбиясини юкори даражага кутаради.

Ўкувчилар калбида юксак маънавиятлиликни шакллантирищда китоб ва китобхонликнинг ахамиятй бекиёслигини тушунтириш.

Китоб ёшлар учун хдёт мактабидир.

Билим манбаи бўлган китобни севиш, уни укиш ва куз корачиридек саклай билиш лозим, укиш учун укн танлай олиш ва укиш маданиятини

билиш керак. Бу ишда устозу мураббийлар ва кутубхона ходимлари ёрдам бе-ришлари лозим.

Тарбия муассасаларкд% умуминсоний кадриятлар доимо диккат марказида булиши ва уни амалга ошириш учун шахе эркинлиги ва демократияни химоялаш хар бир кишининг асосий вазифасидир. Жамиятда диннинг таъсири ортиб борар экан, ёшлар билан ишлашда динга муносабатни турли шакллантириш, уларга динни умуминсоний маданиятнинг таркибий кисми сифатида тушунтириш лозим. Бол ал ар да динни алохида дунёқараш билимни эса хаётни мукаммаллаштириш ва ривожлан-тириш воситаси эканлигини англатиш зарур. Щу билан бир каторда динни никоб килиб олган диний экстремистик окимлар, уларнинг ёвуз ниятларини фош этиб беришади.

Ватанпарвар ва байналмилал комил инсон тарбияси

Фукаролар бирлиги, миллатлараро хамкорлик, ёш ва мустакил мамлакатимизнинг асосий негизидир. Республикамизнинг мустакил давлат сифатида шаклланиши жараёнида, ёш авлодни жамият янгиланишикикг мохиятини ва зарурлигини тушуниб етадиган, узи учун, узи яшаб турган улканинг гуллаб яшнаши учун, унинг такдири учун, узга давлат ва миллат вакиллари билан дусту бranderликни мустаҳкамлаш учун жавобгарликни хис қиладиган даражада тарбиялаш.

Ватанпарвар лик — мустакил Узбекистон учун янада кенгрок, маъно ва мазмунга эга суз булиб колди.

Хозирги кунда ватанпарвар булиш бу иктисодиётимизни, мудофаамизни, барча. миллат вакилларининг дустона муносабатини уз билими, фидокорона мехнат аъло укиши билан мустаҳкамлашдан иборат.

Хар бир ўқувчи Ватан муваффакиятида узининг хам шахеий бурчи ва масъулиятли вазифалари борлигини тула идрок этган. Кундалик тарбиявий ишларни шундай ташкил этиш зарурки, натижада ўқувчилар Республика мустакиллиги шароитида унинг муаммоларини узиникидек кабул қиладиган булсин. Уларнинг огирлигини уз елкасига оладиган, мумкин

кадар Ватанга фойда келтирадиган шахе булиб улгайсин. Бугунги кунда олиб борилаётган, кузда тутилган барча янгиланиш жараёнлари, иктисодийижтимоий, маданий сохалардаги туб узгаришлар хамманинг фидокорона хизмати туфайлигииа юзага келишини тушунсин.

Ўқувчиларни ватаниарварлик рухида тарбиялашнинг мухим таркибий кисмларидан бири харбий ватанпарварликдир. Ушбу тарбия жараёни ўқувчиларда уз она Ватанини химоя килиш туйгуси ва Ватан харбий куч-кудратига нисбатан миллий гурурни шакллантиради Харбий ватаниарварлик тарбиясининг асосий мазмунй ўқувчиларга ватанни химоя килиш, харбий кучларнинг "Конституцион мажбуриятини тушунтириш, турли харбий ва мехнат анъналарини таргиб килишдир. Бу фаолият Республикамиз мустакилликка эришгач кабул килинган «Альтернатив хизмат хакида конун», «Умумхарбий мажбурият ва харбий хизмат тугрисида» ги Конун каби хужжатлар асосида амалга оширилади. Шу мақсадаа ўқувчиларни амалий-хдрбий ва техник туга-раклар машгулотларига жалб килиш зарур. Шу билан бирга турли харбий мусобакалар, туристик саёхатлар, харбий уйинлар («Шункорлар» уйини), харбий спорт байрамларини ўтказиш: «Ватанпарвар» деб номланган комплекс харбий спорт мусобакаларини мунтазам ўтказиб туриш; харбий шон~ шухрат музейларини, «Ёшлар-нинг харбий хизматга тайёргарлик бурчаклари»ни ва хоналарини ташкил этиш; харбий кисмларда хизмат килаётган йигитлар билан учрашувлар уюштириш; ватанимйзнинг харбий кахрамонлари тугрисида давра сухбатлари ўтказиш хотира солномаларини тузиш ва бошка харбий-ватанпарварлик тарбиясига хос фаолият билан шугулланиш лозим. Зобитлик (офицер) таргиб этиш, ўқувчиларни харбий хизматчилар, харбий ўқув муассасалари билан таништириш, харбий хизматгача тайёргарлик жараёнида юкори натижаларга эришган ўқувчиларни рагбатлантирибиборишни доимий йулга куйиш.

Узбекистон Республикаси мустакилликка эришгач, жамиятни кайта куриш ва халқнинг маънавий ривожланишига кенг шароит яратилди. Бозор

иктисодиёти турли миллат вакиларининг узаро якинлашувини уйгунлаштирмокда. Бу эса умумий иктисодий муносабатларни давлатлараро микёсга олиб ч^кмокда. Бозор муносабатлари барча миллат вакилларининг, элатларнинг, ахолининг ижтимеий гуруҳларини узаро бирлаштиришга, шу тарика узаро келишув ва хурмат эхтиромнинг шаклланишига сабаб булмокда. Уз касбини севиш ва мохир устаси булиш, ижодий мехнат хдр бир миллат вакили учун йнсон хрлатининг асосий мезони булиб колмокла.

Мустакил Узбекистои уз сиёсатининг фукаролар тинчлиги ва миллий тотувлик асосида курилганини эълон килди. Бунга эришмок, учун мактаблардаги тарбиявий ишларда хар бир миллат ва элатларнинг ижтимоий ва иктисодий тараккиёт конуний равишда уларнинг узли-гини англаш даражасини усишига олиб келишини назарда тутиш лозим.

Узининг миллий маданиятига бекиёс хурматда булиш баробарида ўқувчиларга бошка элат анъаналарига нисбатан калондимоглик ва беписанд назар билан қараш нотурри эканлигини уларга мунтазам тушунтириб бо-риш лозим. Хеч кандай миллий анъаналар кимнингдир ориятига тегмаслиги ва душманлик муносабатларини уйготмаслиги керак. У самимий ва бегараз булмори лозим. Миллий узликйи англаш бу миллатлараро муносабатда узаро хурмат-эхтиромни сакдашда сезилади.

Ёшларни ватанпарварлик ва байналмилаллик рухида тарбиялашда замонавий нуктаи назардан ёндошиб, унга жамият янгиланишининг мохияти бўлган демократия, инсонпарварлик, мавжуд ва янги турилаётган миллий-маданий анъапалар, умуминсоний кадриятлар ва уз навбатида янгича тарбиянинг узига хос услуб ва шакл-ларини жорий этишни такозо этади.

Узбек халқининг маданий меросини зфганишда ва ривожлантиришда унинг миллий узига хослиги, этноп-сихологик ва этник маънавий хусусиятлари хисобга олиниб, халқ, педагогикаси анъаналарига суянган холда иш курилади.

Умуминсонийлик — б\тун инсониятга хос бўлган, маданий ва миллий **хусусиятлари куп киррали** тушунчадир. Яъни, турли миллат вакилларига ва узгача фикрловчиларга хурмат ва хайрихохлик, турли динлар ва бошка маданиятларнинг узига хослигини тан олиш, кадриятларнинг «бегонасини» хам хурматлаш демакдир.

Бу жараёнларда етакчи вазифалардан бири — миллатлараро муносабатлар асос булиб хизмат килади ва умуминсоний кадриятлар куллангандагина бу жараён ривожланиш боскичига чикади.

Умуммиллий халқаро муносабат маданиятини шакллантиришда дарсдан ташкари амалга оШириладиган тадбирлар катта ахдмиятга эга. Чунки ушбу тадбирлардан кузланган мақсад кишиларнинг узаро ахлокий муносабатларини шакллантиришдан иборат. Ушбу тадбир-ларда бошка халқларнинг анъана ва урф-одатлари, Шарк мутафаккирларининг тинчлик, дустлик, ота-онага мухаббат ва садокат, мехнатсеварлик каби педагогик гояларини ўрганиш, байналмилал дустлик учрашувларини ташкил этиш каби тарбиявий ишларнинг турли шакл ва усулларидан кенг фойдаланилади. «Узбекистан Ватаним маним» кушик, байрамлари ўтказилади. Ўқувчилар халқ амалий санъати, дурадгорлик, бадиий хунармандчилик, ганчкорлик^ёгочга уйиб ёзиш, тукимачилик каби касблар фаолиятига дойр тугаракларга жалб этилади.

Укувчиларнинг ватанпарварлик ва байналмилаллик тарбиясини республикамизда долзарб муаммолардан бири сифатида аник, белгиланган вазифалар асосида амалга ошириш керак. Суз ва иш бирлиги билан болаларда миллийлик ва ватанпарварлик туйгуларини тарбиялаш Давлатимиз мустакиллиги ва шаклланиши жараёнининг мухим жихатидир.

### 3.4. Ҳукукий тарбия

Хукукий тарбиянинг асосий мақсад ва вазифалари Конституцияни, Давлат хакидаги таълимотни, чунончи, фукаролар, оила, мехнат, хужалик,

маъмурий, нафака, суд ишларини юритиш ва бошка хукукларнинг маъносини тушунтиришдан, болаларни давлат конунларини юксак даражада хурмат килиш ва ударга сузсиз риоя этиш, адлиявий билимларни эгаллаш, тарбия ва интизомни бузувчиларга нисбатан муросасиз булиш рухида тарбиялаш, халқаро хукукнинг ахамиятга молик масалалари, халқаро ташкилотлар

(БМТ хавфсизлик кенгаши ва хоказо) фаолияти хакида ўқувчиларнинг умумий тасаввурларини шакллантиришдан иборатдир.

Мактаблар ва мактабдан ташкили таълим муассасалари болаларнинг энг оддий, шунингдек, анча асосли хукукий билимлар, ижтимоий хаёт меъёрлари ва коидаларини билиб олишлари, тушунчаларини кенгайтиришлари хамда мустаҳкамлашлари учун кенг шароит яратиб беришлари лозим.

Уқувчилар қуйилар хакида тула билимга эга булишлари зарур:

—Узбекистан Республлкаси Президенти, Олий Мажлис, Президент Девони, Вазирлар Махкамаси, хукумат ва бошка органларнинг мохияти ва ахамияти, хукукий статуей, уларнинг кишилар кундалик хаётида зарурлиги;

—Узбекистан Республикаси конунни мухофаза килиш муассасаларининг ташкилий тузилиши;

—Узбекистон Республикасининг БМТнинг тула, тенг хукукди аъзоси сифатида халқаро хукукий статуей ва шу аъзолик билан боглик, холда инсон хукукларига риоя килиш мажбуриятлари.

Республикада хукукий саводсизлик окибатида юзага келиши мумкин бўлган криминоген ходисаларнинг олдини олиш учун хукукий тарбия буйича амалга оширилаётгай тадбирларга алохида эътибор бериш талаб этилади. Купгина маърузалар ва сухбатлар асосида хукук тартиботга оид хар бир суз ва панд-насихат боланинг нозик калбига сингиши, унда хукук тартиботни бузувчиларга карши курашда фаол иштирок этиш, энг мухими, унинг узида хукукий билимларни ўрганиш хиссини уйротиш лозим.

Хукукий тарбия буйича Дарсдан ташкари ишлар ўқув жараёни билан таркибан ва мантикан уйунлашган ходда булиши керак. Тугарак ва клуб фаолияти хукукий билимлар конференциялари ва бахс-мунозаралари ўқувчиларнинг ёш ва аклий хусусиятларига мувофик, булади.

## УМУМИЙ УРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАРБИЯ ИШЛАРИ БУЙИЧА ДИРЕКТОР УРИНБОСАРИ ФАОЛИЯТИ МАЗМУНИ

Маънавий-маърифий тарбия ишлари буйича директор уринбосари уз фаолиятини Узбекистан Республикаси Конституцияси, «Таълим тугрисида» ги, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тугрисида» ги Конунлар, Президент фармонлари, Хукумат карорлари, халқ таълими вазирлиги ва бошка юкори ташкилотларнинг карор, буйрук, ва меъёрий хужжатлари талаблари асосида иш олиб боради.

Умумий у рта таълим муассасаларида маънавий-маърифий тарбия ишлари буйича директор уринбосари (келгусида директор уринбосари деб юритилади) ота-оналар хамда кенг жамоатчилик билан хамкорликда ўқувчи-ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг онгига она Ватанига, халқига ва унинг бугунги бунедкор ишига эхтиром билан қараш рухида тарбиялашга раҳбарлик килади.

Маънавий-маърифий тарбия ишлари буйича директор уринбосари лавозимига камида 5 йил педагогик иш стажига эга бўлган кобилиятли, махалла. ота-оналар ва кейТ жамоатчилик уртасида хурмат-эътиборга лойик, бўлганлар туман (шаҳар) халқ, таълими булими томонидан тайинланади ва бушатилади.

## ДИРЕКТОР УРИИБОСАРИНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ

Жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафкурани шакллантириш, ёшларни бой тарихий ва маданий меросимиз, миллий анъаналаримизга, умуминсоний кадриятларга хурмат, Ватанга мухаббат, истикбол рояларига садокат рухида кенг фикрли, СОПЛОМ, жисмоний, аклий ва маънавий жихатдан баркамол, иктисодий ислохотларнинг мохиятини тушунадиган хамда уларни янги ижтимоий муносабатлар оркали хаётга татбик, эта оладиган, миллий гоя ва истиклол мафкураси мустаҳкам бўлган шахсларни шакл-лантириш директор уринбосари фаолияти мақсадининг асосини ташкил этади.

## ДИРЕКТОР УРИНБОСАРИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

Ўқувчи-ёшлар дунёқарашини шакллантиришда миллий ва умуминсодий кадриятлар, халқимизнинг бой тарихий, маданий ва маънавий мероси асосида уларни ватанпарварлик, мехнатсеварлик, инсонпарварлик, ий-мон-эътикод, мехр-шафкатлилик каби инсоний фазилатлар мисолида хар томонлама баркамол авлодни тарбиялайди;

—«Таълим туррисида» ги Конун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» Республика Олий Мажлиси сессияси материаллари, Президент фармонлари, асарлари, нутклари, хукуматимиз карорлари, таълим бошкаруви органлари меъёрйй хужжатлари, талаблари асосида уз ишини амалга оширади;

—директор уринбосари тарбиявий ишларини режалаштиришда, синф раҳбарларининг кизикишлари, топширикдарни кай даражада бажара олишларини хисобга олади;

—ўқувчиларда Ватанга мухаббат, Узбекистан Республикаси Президенти, Конституцийси ва Давлат рамзларига садокат хисларини тарбиялайди;

—маънавий, акдий, жисмоний баркамоллик, иктисодий, хукукош саводхонлик, мехнатсеварлик, истеъдодли ёшларни аниклаш ва тарбиялаш. «Оила, махалла, мактаб» концепциясини хаётга татбик, этиш рухида тарбиялайди;

—ёшларимиз онгига она Ватанга, буюк аждодларимиз мероси ва халқимизнинг бугунги бунёдкррлик ишларига юксак эхтиром туйкуларини сингдириб боради;

—кадимий тарихий ёдгорликлар ва мустакиллик даврида бунёд , этилган маърифат масканларига, табиатимиз куйнига саёхатлар, музей ва кургазмаларга экскурсиялар ташкил этади;

—ота-оналарни мактабга таклиф этиш, хокимият кошидаги вояга етмаганлар билан ишловчй комиссия ишида, корхоналарДаги мактаб хамкорлик кенгашларида, бола таълим-тарбияси билан боглик, бўлган ишларида, мактабдаги тарбия муаммоларига бағишланган барча назарий-амалий методик ишларда катнашади;

—бошка таълим-тарбия масканлари иш тажрибасини урганади;

—педагогик кенгаш ёки синф раҳбарлари методика бирлашмалари кенгашларига куйилган масалаларни мухокама килинади;

—тарбиявий ишларга барча укитувчилар жамоаси, «Камолот» жамгармаси ва бошка ташкилотлар, болалар етакчиси, ўқувчилар, мураббийлар, махалла ва ота-оналар кумитаси аъзоларини жалб килади, улар ишларини мувофиклаштиради;

—мактабдан ва синфдан ташкари тарбиявий ишларни йулга куйишда барча тугарак, бирлашмаларга (турар жойга караб), эркин фикрловчи «Фидокорлар» клубига ўқувчиларни синф раҳбарлари билан хамкорликка жалб килади ва мунтазам равишда назорат килиб боради;

—исломдаги мавжуд юксак маънавий умуминсоний кадриятларни, маданият ва маънавиятнинг ривожланишига уларнинг таъсирини, дунёвий давлат ва фукаролик жамияуи шароитларида уларнинг урни ва ролини урганади хамда уларни очиб беради;

—ислом ва республика ахрлиси эътикрд қиладиган бошка динларнинг тарихий, илмий асослари тугрисида алохида чукур билимларни дунё динлари тарихи воситаси оркали шакллантиради;

—экстремизм ва диний акидапарастликнинг хар кандай шакллари реакцион мохиятини кенг тушунтириш, унинг ёшларга таъсирининг олдини олиш буйича чора-тадбирлар ишлаб чикади хамда уни хаётга татбик этаДи;

—республикамизда яшаб турувчи халқлар, миллатлар уртасида дустлик ва тотувлик сиёсати асосларини тарриб килиш ва хар томонлама тушунтириш ишларини олиб боради;

—таълимнинг ўқувчилар кобилиятлари ва истеъдодларининг хар томонлама намоён булишига каратилганлигини таъминловчи жараёнини ташкил этишни ва унинг мазмунини тубдан янгилаш, миллий ва умуминсоний идеаллар ва кадриятларнинг устувор ахамияти, шахе ва атроф-мухит муносабатларини уйгунлаштириш, ўқувчиларнинг дунёқарашини юксак маънавият, маданият ва ижодий тафаккурини шакллантириш буйича чора-тадбирлар белгилайди;

—таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда ватан ва уз халқи учун фахрланиш, унинг кадимий тарихига хурмат билан қараш, уларнинг улур келажагини таъ-минлаш учун дахлдор ва жавобгарлик туйруларини тарбияловчи турли-туман тадбирларни амалга оширади;

—педагогик таргибот ишларини олиб боради;

—мактаб ўқувчилар жамоасининг шаклланишида уларда инсонийлик ва демократлаштиришнинг чукурлашувида мукобил шароитни вужудга келтириб иш юритади;

—синф ва тугарак раҳбарлари билан маънавий-маърифий, тарбиявий ишларни олиб боради хамда методик адабиётлар банкини ташкил этади;

—мамлакатимизда нишонланадиган умумхалқ байрамлари: «Мустакиллик», «Конституция», «Хотира ва Кадрлаш куни», «Навруз», «Укитувчилар ва мураббийлар», «Халқаро хотин-кизлар», «14 январь —

Миллий армия куни», «Биринчи кунрирок», «Сунгги битирувчилар кечаси» каби анъанавий байрамларнинг тарбиявий жихатдан юкори савияда утишини таъминлайди;

—таълим муассасаларида Узбекистан Республикаси халқ таълими вазирлиги томонидан Давлат рамзларига амал килиш буйича жорий этилган тартиб асосий фаолият курсатади;

—ўқувчилар онгига мустакиллик мафкураси ва миллий ГОЯ ни сингдиради. Кутубхона, маънавий-тарбия ишларига раҳбарлик килади;

—мактаб психолог мутахассиси билан хамкорликда иш олиб "боради;

—таълим муассасалари тиббиёт ходимлари билан хамкорликда ўқувчилар соглигини мухофаза килади;

—йулларда харакатланиш хавфсизлиги дарсларини ва тадбирларини назорат килиб боради;

—мактаб ўқувчиларининг уз-узини бошкаришига шароит яратади, кобилиятли ва истеъдодли ўқувчиларга алохида муносабатда булади, унинг ижодий имкониятларщвд ривожлантиришга кумаклашади;

—хафтанинг хар жума куни мамлакатимиз ва жахондаги сиёсий, ижтимоий, маънавий узгаришлар хакида «Янгиликлар соати»ни ўтказиб боради, байрамларнинг юкори савияда утишини таъминлайди.

Директор уринбосари йил давомида икки маротаба (биринчи ва иккинчи ярим йилликда) мактаб педагогика кенгаши йирилишида хисобот беради.

Директор уринбосари мактаб директори билан хамкорликда:

—мактабнинг иш режасини тузади;

—педагогик кенгашда куриладиган масалаларни бир-галикда тайёрлайди ва олиб боради;

—мактабдаги барча тадбирларнинг юкори савияда утишини таъминлайди;

—укитувчиларни рагбатлантириш масалалари буйича тегишли таклифларни киритади; "т'

—мактаб кутубхонасини адабиётлар билан таъминлаш ва бошка вазифаларни бажаради;

Синф раҳбари билан хамкорликда:

—ота-оналар мажлисини тайёрлайди ва унинг сифатли утишини таъминлайди;

—синфдаги тарбиявий ишларнинг мазмунини яхшилаш борасида иш олиб боради; %-

—синф раҳбарининг ижодий изланишига кумаклашади;

—синфдан ташкари ишларни ташкиллаштиради хамда турли йуналишда олиб боришга йулланма беради ва бошка вазифаларни бажаради.

Мактаб психологи билан хамкорликда:

—ўкувчиларнинг кизикишларини аниклайди

—уларнинг касб танлашига кумаклашади

—ўкувчиларни хар томонлама камол топтириш, спорт, бадиий эстетик, техник, экологик, сайехлик ва улкашунослик, бозор иктисодиётига асосланган ёш иктисодчи, бизнесмен, менеджер, ёш ишбилармонликка, хукукий саводхонликка йуналтирувчи тугаракларга, клубларга, уларнинг кизикиш, имкониятларига караб жалб килади;

—ўкувчиларнинг жисмоний ва аклий кобилиятларини назорат килади,

Жисмоний тарбия укитувчиси билан хамкорликда

—ўкувчи-ёшларнинг жисмонан бакувват, СОПЛОМ усиши учун спорт мусобакаларини ташкиллашишади

—мактабда спортнинг турли йуналишдари буйича уйинлар, мусобакалар ва бошка спорт тадбирларига бошчилик килади;

—спорт ва спорт техник тугараклар катнашишга кумаклашади ва уларнинг мунтазам ишлашини таъминлайди;

—спорт, согломлаштиришга оид турли-туман тадбирларни амалга оширади.

Ота-оналар кумитаси билан хамкорликда

—ота-оналар университета фаолиятини бошкаради;

—ота-оналарни мактаб фаолиятига кенг жалб килади;

—мактабда ўтказиладиган ота-оналар мажлисини ташкил килади хамда унинг самарали утишини таъминлайди;

—ота-оналар билан хамкорликда ўкувчилар соглигини мухофаза килади ва бошка ишларни олиб боради.

Махаллада педагог ташкилотчи билан хамкорликда:

—«Оила, махалла, мактаб хамкорлигида» кенг иш олиб боради;

—тарбияси огир болалар ва хукукбузарликка мойил бўлган хамда носоглом оилаларнинг болалари билан тарбиявий ишларни мувофиклаштиради.

«Камолот», «СОГЛОМ авлод учун» жамгармалари ва бошка давлат хамда нодавлат жамгармалари билан хамкорликда:

—ўкувчилар билан ўтказиладиган хамкорликдаги тадбирларни юкори савияда ташкил этади;

—янги тарбиявий дастурларни киритиш буйича хамкорликда ишни ташкил этади;

—ёшлар билан ўтказиладиган барча спорт уйинлари, танловлар, мусобакаларга жалб этади; ?*

—ёшларни ватанпарварлик рухида тарбиялашда биргаликда иш олиб боради ва бошкалар.

Оила билан олиб борадиган вазифалар:

—мактаб психологи билам хамкорликда оиланинг ижтимоий психологик хусусиятларини урганади;

—муаммоли оилаларни аникдайди, уларнинг ижтимоий-психологик тавсифномасини тузади, сабаб ва омилларини аниклаб, салбий омилларнинг бола шахсига зарарли таъсирини олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чикади ва амалга оширади;

—**оилада ота-она** ва фарзанд муносабатларини ўрганиш асосида бола билан шахсий тарбиявий ишларни олиб боради. Бунга мактаб психологини **хам** жалб килади.

## ДИРЕКТОР УРИНБОСАРИГА КУЙИЛАДИГАН АСОСИЙ ТАЛАБЛАР

Директор уринбосари ўқувчиларга нисбатан мехр ва мухаббат, педагогик жамоасига ва ота-оналарга нисбатан

талабчан бўлган холда иш тутишда ва мунтазам уз устида ишлаб, сабр-бардошли, уз фикрларини пухта баён килиб, узгаларни узига жалб кила оладиган хислатларни узига мужассамлайди.

Давлат ва хукуматимиз томонидан кабул килинган барча хужжатлар мохиятини, Президент асарларини яхши билиши, уни ўкувчи-ёшлар орасида таргиб эта олиши, халқ, педагогикаси анъаналарини, узбек халқи миллий урф-одатлари, кадриятлари, алломалари угитларини яхши билишлари лозим.

—Мамлакатимизнинг ички ва ташки сиёсатини яхши билиши ва доимо уни уз фаолиятида хисобга олиши, тарбиявий ишларни ташкил этишнинг илмий асослари хамда янгича усул ва методларини яхши билиши; А*

—радио, телевидение ва оммавий ахборотнинг бошка воситалари оркали берилган энг сунгги янгиликлардан бохабар булиши хамда уларнинг мохиятини ўқувчиларга етказа олиши;

—синфдан ташкари тадбирларни тайёрлаш ва ўтказа билиши;

—туман, шаҳар, вилоят, республика микёсида ўтказиладиган тадбирларда иштирок этиши мактабда ўқувчилар билан тарбиявий ишларни олиб бораётганларга методик тавсиялар бериб бориши;

—мунтазам равишда уз малакасини ошириб туриши, уз сохаси буйича ўтказиладиган семинарларда лштирок этиши.

## ДИРЕКТОР УРИНБОСАРИНИИГ ХУКУКЛАРИ

Низомда белгиланган вазифалар билан борлик, равишда тегишли педагогик ходимларга курсатма беради.

Хизмат вазифаси доирасидан келиб чиккан холда синфдан ва мактабдан ташкари ишларни ташкил этиш ва янги тугаракларни очиш масалаларини хал кдлади.

—синф раҳбарининг таълим-тарбия ишлари буйича эришган ютукдарини хисобга олиб, уни такдирлаш учун директорга таклиф киритиш;

—синф раҳбарларининг уз вазифасига нисбатан масьулиятсизлига ёки суиистеъмол килинганлиги учун директор билан келишилган холда танбех бериш; •л••

—болани яхши тарбиялаган ота-оналарни, мактабга ёрдам берган махалла фаолларини такдирлаш учун директорга таклиф бериш хукукига эга.

Директор уринбосари билан қуйи ишлар келишилиши керак:

—синф раҳбарлари иш[4] режасини директор билан хамкорликда тасдиклаш;

—мактабда ўтказиладиган спорт мусобакдлари режасини директор билан хамкорликда тасдиклаш;

—турли хилдаги тугарак ишлари режасини директор билан хамкорликда тасдиклаш.

## ДИРЕКТОР УРИНБОСАРИНИ ИШИНИ РЕЖА ЛАШТИРИШ ВА ТАШКИЛ КИЛИШ

▪о

Маънавий-маърифий ишлар буйича директор уринбосари уз ишини режа асосида олиб боради ва унинг бажарилишини назорат килади.

Синфдан ва мактабдан ташкари тарбиявий ишларни режалаштиришда мактабнинг умумий режаси, укитувчилар, синф раҳбарлари, болалар етакчиси, ота-оналар кумитаси иш режаларини эътиборга олиши керак.

Мактабдан ва синфдан ташкари ўтказиладиган барча тадбирларни мунтазам куриб бахолайди.

Директор уринбосарининг иш режаси мактаб директори томонидан тасдикланади. .^.

Ишни режалаштиришда болаларнинг ёш хусусиятларига, мактаб жойлашган вилоят, шаҳар, туманнинг шарт-шароити, анъаналари, хусусиятларини жойлардаги ижодий бирлашмалар, илмий марказлар билан узаро алокаси каби ишларни инобатга олади.

Маънавий-маърифий ишлар буйича директор уринбосари кайта таиёрлов курсларида уз малакасини ошириб боради.

Директор уринбосарининг фаолияти уз ифодасини топган хужжатлар руйхати халқ таълими вазирлиги томонидан доимий равишда берилиб борилади.

## ДОНИШМАНДЛАР МАЪНАВИЯТ ХАКИДА

### Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг маънавият масалаларига оид ᴦфикр-мулохазалари

Узбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг уз йули туртга асосий негизга асосланади. Бу негизлар:

умуминсонии кадриятларга содиклик; халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва

ривожлантириш;

- инсоннинг уз имкониятларини эркин намоён килиши;
- ватанпарварлик.

Мустакил Ўзбекистоннинг куч-кудрати манбаи — халқимизнинг умуминсонии кадриятларга содиклигидир. Халқимиз адолат, тенглик, ахил кушничилик ва инсон-парварликнинг нозик куртакларини асрлар оша авайлаб-асраб келмокда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни кайта тиклаш.уларга янги мазмун бағишлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва хар бир кишини камол топтиришга эришиш учун зарур шарт-шароит яратишдир.

Инсонпарварлик—бу узбек халқи миллий рухиятининг ажралмас фазилатидир. Шафкатсизлик ва зуравонлик унинг табиатига ётдир.

Инсоннинг энг устувор ва мукаддас хукукдаридан бири—бу тинч яшаш хукукидир. Давлат ва жамиятнинг бурчи ана шу хукукни барча конуний воситалар билан кафолатлаб беришдир.

Бу хукукни амалга оширйш —

демократия л аштиришнинг энг мухим шартидир.

Бутун дунё ягона ва узаро богликдир. Бизнинг муштарак бурчимиз ер юзини болаларимиз ва набираларимизга обод ва бахтиёр яшашлари учун муносиб килиб колдиришдир. Узбекистан энг огир кийинчиликларга дуч келди, Урта Осиё минтакасининг сув ресурслари тугаш олдида. Оролнинг экологик халокати жахон микёсидаги фожеа деб ташвиш билан эътироф этилмокда. Бу фо-жеани Узбекистон ва унинг кондош-кардош кушнилари якка холда даф этолмайдилар.

Яшаш мухити, табиа*Р> ва маънавият экологияси бир-биридан ажралмасдир. Бизнинг ота-боболаримиз киши-лар билан учрашганда ёки хайрлашганда, аввало, чин горакдан мустаҳкам саломатлик тилашган. Сихат-саломат булишнинг анъанавий кадрини кайта тиклаш ва оила кадри билан шарафли бир урингa куйиш керак. Бизнинг заминимиз химоячиларимиз бўлган баходирлар ва ботирларга азалдан бой ва уларни мехр билан парвариш килиб келмокда, Бугунги кунда хамма жойда спорт-нинг миллий турлари кайта тикланмокда. Узбекистон халқаро спорт

хамжамиятида дадиллик билан узини курсатмокда. Биз Тошкентда ёшлик ва саломатликнинг, тинчликнинг абадий ва улуғ тимсоли бўлган Олимпия уйинларини ўтказишга тайёрмиз. Бизнинг саломатлиги хакида шахсан гамхурлик килиб бориш маданиятини ёшликдан, оила, мактаб, махалла, СОГЛИКНИ саклаш тизими, жисмоний тарбия ва спортнинг кумагида сингдириш керак. Шуниси мухимки, одамлар сузда эмас, балки амалда уз саломатлигининг кадрига етйб, уни миллий бойлик сифатида авайлаб-асрасинлар.

Мустакил давлатда, тинчлик ва осойишталикда ГОЯВИЙ чалкашликлар ва "темир парда"дан халос булиб, биз умумбашарий кадриятларнинг энг биринчи асоси бўлган халқ, инсонпарварлиги чашмаларидан кадам-ба-кадам бахраманд булмокдамиз. Айни шу хол тараккиёт йулидан дадил боришимиз ва бутун Инсоният билан бирлигимизнинг энг мустахдам кафолатидир.

Халқнин маънавий рухини мустадкамлаш — Узбекистонда давлат ва жамиятнинг энг мухим вазифасидир. Маънавият шундай кимматбахо меваки, у бизнинг кадимий ва навкирон халқимиз калбида бутун Инсониятнинг улкан оиласида уз мустакиллигини тушуниб етиш ва озодликни севиш туйгуси билан биргаликда етилган. Маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аждодлар угити билан бирга сингади. Она тилининг буюк ахамияти шундаки, у манавият белгиси сифатида кишиларни якин килиб, жипслаштиради. Табиатга якинлик, жонажон улканинг бенихоя гузаллигидан бахраманд булиш маънавиятга озик, беради, кучайтиради.

Маънавият уз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чукур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина кудратли кучга айланади. Тарихга мурожаат килар эканмиз, бу халқ хотираси эканлигини назарда тутишимиз керак. Хотирасиз баркамол киши булмаганидек, уз тарихини билмаган халқнинг келажаги хам булмайди.

Маънавият турли халқлар ва мамлакатлар кишиларини кон-кардош килади. Уларнинг такдирини узаро хурмат асосида якинлаштиради. Бизнинг маънавиятимиз асрлар давомида миллион-миллион кишилар такдири билан шаклланган. Уни улчаб хам, поёиига етиб хам булмайди. У ■— инсон учун бутун бир Олам.

Маънавият инсонга хаводек, сувдек зарур. Сахродаги сайёх, хар доим булокдан чанкорини босади. Худди шунингдек хам еча-неча азоблар ва кийинчиликлар билан маънавият чашмасини излайди. Ер, оила, ота-она, болалар, кдриндош-уруглар, к,уни-к,ушнилар, халқ,, мустак,ил давлатимизга садокат, инсонларга хурмат, ишонч, хотира, виждон, эркинлик—маънавиятнинг маноси ана шундай жуда кенг. Инсон уни Инсон даражасига кутарадиган асосларнинг асосини уз акли билан том маънода камрай олмайди. Инсон узини халқининг бир зарраси деб сезгандагина, у хакда уйлаб, мехнат килиб яшагандагина маънавият билан туташади.

Бизнинг одамларимиз Ватандан узокдашганда жуда изтироб чекадилар. Чунки уларнинг маънавият чашмаси гуё узоклашиб кетгандек булади. Шунинг учун хам халқ Ватандан йирокликни огир кабул килади. Чунки унда хар бир кадр дон киши учун кайгурадиган умумий калб бор.

Маънавият — такдирнинг эхсони эмас. Маънавият инсон калбида камол топиши учун у калбан ва виждонан, акл ва кул билан мехнат килиши керак. Бу хазина инсонга хаётда баркарорлик бағишлайди, унинг қарашлари шунчаки бойлик орттириш йулида укун куришга йул куймайди, фожиалар вактида омон саклаб колади ва моддий кийинчилик кунларида иродани мустаҳкамлайди.

Халқимизнинг хотираси ажойиб номларга бой. Бутун жахонга машхур бўлган Беруний, Ал-Хоразмий, Ибн Сино, Имом Бухорий, Ат-Термизий, Ахмад Яссавий, Улуғбек, Навоий ва бошка купгина алломалар маънавияти кенг ва айни вактда кисмати огир бўлган сиймолардир. Улар узларини ҳақиқатга ташна ва узи ҳақиқат бўлган халқка бағишладилар.

Буюк аждодларимизнинг улуғ номлари, халқ, хотираси ва унинг такдири муносиб давом этишга лойикдир.

Олдин одамларга моддий бойлик бериш, сунгра маънавият тугрисида уйлаш керак, дейдиганлар хак, булмасалар керак. Маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-кудратидир. У йўк, жойда хеч качон бахт-саодат булмайди. Нафакат кухна тарих, балки янги тарих хам бунинг куплаб мисолларини беради.

Маънавиятни мустаҳкамлаш учун мехнат ва маблагни аяш уз келажагига болга уриш демакдир. Ватан ва жахон маданиятининг, адабиёт ва санъатнинг ютукдари хар бир оилага етиб бориши учун оиланинг моддий таъминланганлигидан катьи назар кулай шароитлар яратиш талаб этилади. Ижодий ходимларнинг маънавий кучига эркинлик бериш, уларга хар томонлама ёрдам курсатиш хам катта ахамиятга эгадир.

Миллий маданиятнинг узига хослигини тиклашга эътибор берилиши керак. Шу билан бирга миллий уз-узини англашнинг тйкланиши жахон инсонпарварлик маданияти вЧа умумбашарий кадриятлари идеалларидан, бизнинг куп миллатли жамиятимиз анъаналаридан ажралиб колиши мумкин эмас.

Таълим Ўзбекистон халқ маънавиятига яратувчилик фаоллигини бахш этади. Усиб келаётган авлоднинг барча энг яхши имкониятлари унда намоён булади, касб-кори, махорати узлуксиз такомиллашади. Катта авлодларнинг доно тажрибаси англаб олинади ва ёш авлодга утади. Ёшлар, уларнинг иктидорлиги ва билим олишга чанкоклигидан таълим ва маънавиятни тушуниб етиш бошланади.

Инсоннинг узи ва уз оил&сининг бахт-саодати йулида мехнат кйлишга шахсан тайёр эканлиги унинг ички имкониятларини ташкил этади. Бизнинг куламли ижтимоий-иктисодий ниятларимиз халқмизнинг мехнат-северлигидан келиб чикади. Хар бир фукаронинг мустакил давлат билан магрурланиши унинг уз давлатининг мустаҳкамланиши ва гуллабяшнаши

учун шахсий касса кушишга тайёрлигидандир. Факат мана шундагина фукаро давлатнинг ишончли таянчига айланади.

Шахе имкониятлари бизда жуда чукур ирсий асосларга эгадир.

Хозирги пайтда ахлокш|, ва маънавий жихатдан тарбиявий ишларни усмирлар орасида кучайтириш зарур. Ахлок йўқ экан, инсон онгли ижтимоий шахе була олмай-ди. Шунинг учун ахлокий тарбия шахенинг хар томонлама ва эркин шаклланишида асосий уринни эгаллайди.

Мактаб ва мактабдан ташкари таълим муассасалари тарбиячилари (укитувчилар, синф раҳбарлари, маънавий-маърифий тарбия ишлари буйича директор урин-босарлари, болалар етакчилари ва бошкалар) жамоаси олдида доимо ўқувчиларга умуминсоний ахлок кридалари асосида хдёт кечиришни ургатишдек мухим вазифа туради.

Фанни ўрганишга мухаббат уйротиш, билимга ташналик фазилатлари ахлокий тарбиянинг ажралмас таркибий кисмидир. Болаларнинг укишдаги муваффакия-тидан унинг гуруҳидаги "урни аникданади, атрофдагиларнинг у билан муносабати белгиланади, укишдаги муваффакият—боланинг ахлокий тарбиясини юкори даражага кутаради.

Уқувчилар калбида юксак маънавиятлиликни шакллантиришда китоб ва китобхонликнинг ахамияти бекиёслигини тушунтириш.

Китоб ёшлар учун хдёт мактабидир.

Билим манбаи бўлган китобни севиш, уни укиш ва куз корачиридек саклай билиш лозим, укиш учун укн танлай олиш ва укиш маданиятини билиш керак. Бу ишда устозу мураббийлар ва кутубхона ходимлари ёрдам бе-ришлари лозим.

Тарбия муассасаларида умуминсоний кадриятлар доимо диккат марказида булиши ва уни амалга ошириш учун шахе эркинлиги ва демократияни химоялаш хар бир кишининг асосий вазифасидир. Жамиятда диннинг таъсири ортиб борар экан, ёшлар билан ишлашда динга муносабатни турли шакллантириш, уларга динни умуминсоний маданиятнинг таркибий кисми сифатида тушунтириш лозим. Болаларда

динни алохида дунёқараш билимни эса хаётни мукаммаллаштириш ва ривожлан-тириш воситаси эканлигини англатиш зарур. Щу билан бир каторда динни никоб килиб олган диний экстремистик окимлар, уларнинг ёвуз ниятларини фош этиб беришади.

Ватанпарвар ва байналмилал комил инсон тарбияси

Фукаролар бирлиги, миллатлараро хамкорлик, ёш ва мустакил мамлакатимизнинг асосий негизидир. Республикамизнинг мустакил давлат сифатида шаклланиши жараёнида, ёш авлодни жамият янгиланишикикг мохиятини ва зарурлигини тушуниб етадиган, узи учун, узи яшаб турган улканинг гуллаб яшнаши учун, унинг такдири учун, узга давлат ва миллат вакиллари билан дусту биродарликни мустаҳкамлаш учун жавобгарликни хис қиладиган даражада тарбиялаш.

Ватанпарвар лик — мустакил Узбекистан учун янада кенгрок, маъно ва мазмунга эга суз булиб колди.

Хозирги кунда ватанпарвар булиш бу иктисодиётимизни, мудофаамизни, барча. милЛЯТ вакилларининг дустона муносабатини уз билими, фидокорона мехнат аъло укиши билан мустаҳкамлашдан иборат.

Хар бир ўқувчи Ватан муваффакиятида узининг хам шахсий бурчи ва масъулиятли вазифалари борлигини тула идрок этган. Кундалик тарбиявий ишларни шундай ташкил этиш зарурки, натижада ўқувчилар Республика мустакиллиги шароитида унинг муаммоларини узиникидек кабул қиладиган булсин. Уларнинг огирлигини уз елкасига оладиган, мумкин кадар Ватанга фойда келтирадиган шахе булиб улгайсин. Бугунги кунда олиб борилаётган, кузда тутилган барча янгиланиш жараёнлари, иктисодийижтимоий, маданйй сохалардаги туб узгаришлар хамманинг фидокорона хизмати туфайлигииа юзага келишини тушунсин.

Уқувчиларни ватаниарварлик рухида тарбиялашнинг мухим таркибий кисмларидан бири харбий ватанпарварликдир. Ушбу тарбия жараёни ўқувчиларда уз она Ватанини химоя килиш туйгуси ва Ватан харбий куч-кудратига нисбатан миллий гурурни шакллантиради Харбий

ватанпарварлик тарбиясининг асосий мазмунй ўқувчиларга ватанни химоя килиш, харбий кучларнинг Конституцион мажбуриятини тушунтириш, турли харбий ва мехнат анъналарини таргиб килишдир. Бу фаолият Республикамиз мустакилликка эришгач кабул килинган «Альтернатив хизмат хакида конун», «Умумхарбий мажбурият ва харбий хизмат тугрисида» ги Конун каби хужжатлар асосида амалга оширилади. Шу мақсадаа ўқувчиларни амалий-хдрбий ва техник туга-раклар машгулотларига жалб килиш зарур. Шу билан бирга турли харбий мусобакалар, туристик саёхатлар, харбий уйинлар («Шункорлар» уйини), харбий спорт байрамларини ўтказиш: «Ватанпарвар» деб номланган комплекс харбий спорт мусобакаларини мунтазам ўтказиб туриш; харбий шон~ шухрат музейларини, «Ёшлар-нинг харбий хизматга тайёргарлик бурчаклари»ни ва хоналарини ташкил этиш; харбий кисмларда хизмат килаётган йигитлар билан учрашувлар уюштириш; ватанимизнинг харбий кахрамонлари тугрисида давра сухбатлари ўтказиш хотира солномаларини тузиш ва бошка харбий-ватанпарварлик тарбиясига хос фаолият билан шугулланиш лозим. Зобитлик (офицер) таргиб этиш, ўқувчиларни харбий хизматчилар, харбий ўқув ,-муассасалари билан таништириш, харбий хизматгача тайёргарлик жараёнида юкори натижаларга эришган ўқувчиларни рагбатлантириб боришни доимий йулга куйиш.

Узбекистон Республикаси мустакилликка эришгач, жамиятни кайта куриш ва халқнинг маънавий ривожланишига кенг шароит яратилди. Бозор иктисодиёти турли миллтат вакиларининг узаро якинлашувини уйгунлаштирмокда. Бу эса умумий иктисодий муносабатларни давлатлараро микёсга олиб чикмокда. Бозор муносабатлари барча миллат вакилларининг, элатларнинг, ахолининг ижтимеий гуруҳларини узаро бирлаштиришга, шу тарика узаро келишув ва хурмат эхтиромнинг шаклланишига сабаб булмокда. Уз касбини севиш ва мохир устаси булиш, ижодий мехнат хдр бир миллат вакили учун инсон хрлатининг асосий мезони булиб колмокла.

Мустакил Узбекистои уз сиёсатининг фукаролар тинчлиги ва миллий тотувлик асосида курилганини эълон килди. Бунга эришмок, учун мактаблардаги тарбиявий ишларда хар бир миллат ва элатларнинг ижтимоий ва иктисодий тараккиёт конуний равищда уларнинг узли-гини англаш даражасини усишига олиб келишини назарда тутиш лозим.

Узининг миллий маданиятига бекиёс хурматда булиш баробарида ўқувчиларга бошка элат анъаналарига нисбатан калондимоглик ва беписанд назар билан қараш нотурри эканлигини уларга мунтазам тушунтириб бо-риш лозим. Хеч кандай миллий анъаналар кимнингдир ориятига тегмаслиги ва душманлик муносабатларини уйготмаслиги керак. У самимий ва бегараз булмори лозим. Миллий узликни англаш бу миллатлараро муносабатда узаро хурмат-эхтиромни сакдащда сезилади.

Ёшларни ватанпарварлик ва байналмилаллик рухида тарбиялащда замонавий нуктаи назардан ёндошиб, унга жамият янгиланишининг мохияти бўлган демократия, инсонпарварлик, мавжуд ва янги турилаётган миллий-маданий анъапалар, ^умуминсоний кадриятлар ва уз навбатида янгича тарбиянинг узига хос услуб ва шакл-ларини жорий этишни такозо этади.

Узбек халқининг маданий меросини зфганищда ва ривожлантирищда унинг миллий узига хослиги, этноп-сихологик ва этник маънавий хусусиятлари хисобга олиниб, халқ, педагогикаси анъаналарига суянган холда иш курилади.

Умуминсонийлик — бутун инсониятга хос бўлган, маданий ва миллий хусусиятлари куп киррали тушунчадир. Яъни, турли миллат вакилларига ва узгача фикрловчиларга хурмат ва хайрихохлик, турли динлар ва бошка маданиятларнинг узига хослигини тан олиш, кадриятларнинг «бегонасини» хам хурматлаш демакдир.

## Хулоса

Маънавиятнинг хаётимиздаги урни ва ахамияти хакидаги фикр-мулохазаларимизга якун ясар эканмиз, аввалambор, шуни чукур англаб олишимиз даркорки, маънавий юксалишга эришиш - бу бир йиллик ёки беш-ун йиллик иш эмас. Халк, миллат уз миллий маънавиятини йиллар, асрлар давомида юксалтириб, бойитиб боради. **Чунки маънавият котиб колган акидалар йигиндиси эмас, аксинча, доимий харакатдаги узлуксиз жараён булиб, тараккиёт экан, унинг шиддатли юриши туфайли маънавий хаёт олдига куйиладиган талаблар хам муттасил пайдо булаверади.**

Яъни, мамлакатимиз тараккиёт пиллопоясидан янги-янги чуккилар сари кадам куйар экан, биз яшаётган замон суръатлари шиддат билан тезлашиб, олдимизда яна канча муаммо ва машаккатлар пайдо булар экан, табиийки, маънавий хаетимиз хам хам синовларда тобланиб, юксалиб,жамиятимиз, миллатимизнинг ёруг ва соглом келажагини хар кандай тахдид ва туфонлардан - давр узгариши билан уларнинг куририши ва шакли узгаришига карамасдан - безавол саклаш ва асраб колишга кодир булиши даркор.

Ана шу фикр ва хулосалардан келиб чиккан холда, «Биз киммиз?» деган саволга жавоб бермасдан туриб, энг мухими, маънавий бойликни, маънавиятни юксалтиришга доимий интилмасдан туриб биз уз олдимизга куйган эзгу максадларга эришиш мумкин эмас, десам, калбимдан чукур жой олган фикрни айтган буламан.

Бугунги кунда маънавият дунёсига нисбатин мавжуд булган хавф-хатарлардан албатта куз юмиб булмайди, лекин бизнинг ишончимиз комилки, халкимиз тарихнинг мураккаб жараёнларида иродаси чиникиб, хар кандай хужум ва тазйикларга карамасдан, маънавий олами кучайиб ва юксалиб бораётгани, бизни куролмайдиган кучлар хам бу ҳақиқатни тан олаётганини маънавият билан кайд этамиз.

Чунки халк - бамисоли улуғ ва шарафли йулдан илгарилаб бораётган улкан карвон. Уни йулдан чалгитишга урунувчилар, пайт пойлаб оркасидан

хамла килувчилар хамиша булган, бундан кейин хам булиши мумкин. Карвон бехатар булмас, деган гап бежиз айтилмаган. Амма халк карвонини хеч кандай кучортга кайтаролмайди. Нега деганда, халкнинг калбида не-не авлодлардад мерос енгилмас куч - маънавият фор.

Барчамизга гурур ва ифтихор багишлайдиган томони шундаки, бизнинг эзгу интилишларимиз замирида хам ана шундай пок ният, буюк ишонч мужассам. Аник максад йулидаги бунёдкорлик ишларимиз амалий натижалар бера бошлаган, кузлаган режаларимиз боскичма-боскич руёбга чикиб, дунё хамжамиятидан узимизга муносиб урин эгаллаб бораётган хозирги кунда халкимиз, миллатмиз калбидаги ана шу ишоч янада мустахкамланмокда.

Шу боис мен шонли тарихига садокат билан караб, бугунги озод хаётини кадрлаб, уз келажагига каста умид билан интилаётган халкимизнинг донишмандлиги ва матонати, унинг иймон-эътикоди, мустахкам иродаси ва юксак маънавий рухи доимо баркарор яшайди, деб ишонаман.

Шахснинг мухим маънавий сифатлари булган ахлокий онг, хиссиёт ва хулкни шакл-лантириш; ватанпарварлик, ватанга мухаббат, Узбекистан герби, байроги, мадхиясига хурмат, инсонпарварлик, мехнатга муносабат, жамоа билан биргаликда кйлинадиган изланишларга муносабат, онгли интизом ва бошка туйгуларни камол топтириш ахлокий тарбиянинг асосий вазифаларидир.

Ахлокий тарбиянинг мазмуни аввало, ўқувчиларнинг амалий фаолиятларида, укиш, мехнат, жамоатчилик ишларида, уларнинг муносабатлари характерида, узаро таъсир курсатиш усуллари, хулк-атвор меъёрларини узлаштиришларида намоён булади. Ахлокий тарбия ёши ва ўқувчининг тугри йуналиш олиши учун хал килувчи таъсир курсатадиган мухитни (оила, уртоклар ва дустлар мухити) хам хисобга олганда шахснинг бутун хаётий фаолияти жараёнида амалга оширилади. Ахлокий тарбиянинг йул ва усуллари ўқувчиларга ахлокий сабок бериш каби махсус ишни ташкил килишда алохида хусусиятга эга. Ушбу йулларни куриб чикайлик. Ахлокий билим бериш бир канча

тарбиявий вазифаларни ба-жаради: инсон хаёти ва маданиятининг ахлокий кадриятлари туурисида кенг тасаввур беради.

Ахлокий тасаввурлар, қараш, мулохаза, бахо бериш каби тушунчаларасосида ахлокий эътикодни юксалтиришга таъсир курсатади, яъни: ўқувчиларни узларининг ахлокий тажрибаларини мушохада килишлари ва бойитиш-ларига ёрдам беради;

турли манбалардан ахлок туурисида олинган билимларни туурилайди; шахснинг узини ахлокий тарбиялашга замин яратади.

Адабиётлар руйхати.

1. Каримов И.А. Истиклол ва маънавият. Тошкент,: «Узбекистан», 1994.

2. Каримов И.А. «Узбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иктисодий истикболининг асосий тамойиллари». Тошкент,: «Узбекистан» 1994.

3. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон хаёт-пировард максадимиз. 8-жилд. Тошкент: «Узбекистон», 2000.

4. Каримов И.А. «Миллий истиклол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласидаги суз боши. Ватан равнаки учун хар биримиз масъулмиз. 9-жилд. Тошкент,: «Узбекистон», 2001.

5. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон хаёт - пировард максадимиз. 8-жилд. Тошкент:»Узбекистон», 2000.

6. Каримов И.А. «Миллий истиклол гояси: асосий тушунча ва тамойиллари» рисоласидаги суз боши. Ватан равнаки учун хар биримиз масъулмиз. 9-жилд. Тошкент: «Узбекистон», 2001.

7. «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошориш тугрисида. Узбекистон республикаси Президентинин*[1]1998йил 9 сентябрь фармони.

8. «Республика маънавият ва маърифат кенгашини куллаб-кувватлаш тугрисида». Узбекистон Республикаси Президентининг 1999йил 3 сентябрь фармони.

9. «Маънавий-маърифий ишларни янада чукурлаштириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш чора тадбирлари туйгусида». Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1998 йил 24 июль карори.

4

10. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури». Баркамол авлод Узбекистон тараккиётини пойдевори. Тощкент: «Шарк», 1998.

11. Баркамол авлод - Узбекистон тараккиётининг пойдевори.Тошкент,: «Шарк», 1998.

12. Абдуллаев М. ва бошк. «Маънавият» (укув кулланма). Фаргона. 1999.

13. Абдуллаев А. Маънавият ва иктисод, тафаккур. Тошкент,: «Маънавият», 1999. "!!

14. Бегматов С. Узбекистон халк маънавияти. (укув кулланма). Тошкент, 1995.

15. Вафоев О. Маънавият тараккиёт омили. // Мулокот, 1995, 2-сон.

16. Жураев А. Тарбиявий дарсларни утиш.Синф рахбарлари учун кулланма, Тошкент,: «Укитувчи», 1994.

17. Зиёмухаммедов Б.^ва бошкалар. Маънавият асослари.(Дарслик).Тошкент,: «Узбекистон миллий энсклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2000.

18. Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар. Тошкент,: «Шарк» 1998.

19. Имомназаров М. Миллий маънавиятимизнинг такомил боскичлари. Тошкент,: «Шарк» 1996.

20. Маънавият жамият тараккиётининг асоси. «Узбекистан овози», 1995/16 февраль.

21. Маънавият иймондан бошланади.//Гулистон, 1995, 1-сон.

22. Маматов Н. Маънавият асослари (Дастур). Тошкент,: 1997.

23. Маънавият (маънавият ва маърифат асосларини ургатувчиларга ёрдам) Тузувчилар: М.Абдуллаева ва*М.Хусанбоев «Фаргона», 1999.

24. Маънавият асослари. (тузувчилар: Б.Зиёмухаммедов, М.Хамдамова). Тошкент, 1999.

25. Маънавият асослари. Дастур (Тузувчилар: Ж.Яхшиликов, К.Зохидов, Н.Убайдуллаева). Тошкент: 2000. 30 бет.

26. Маънавият ва маърифат асослари дастури. (Тузувчилар: И.Жумабойев, И.Турсунов, ва бошк.).Тошкент,1997.
27. Маънавият ва маърифат асослари (Маъруза матнлари ва уларга A услубий маслахатлар). (Тузувчилар: С. Отамуродов ва бошк.) Тошкент,: 1998.
28. Махкамов У. Шахсни маънавий шакллантириш. Тошкент,: «Узбекистан», 1998.
29. Мунавваров А.К. Педагогика. Тошкент,: «Укитувчи» , 1996.
30. Мусурмонова О^Укувчилар маънавий маданиятини шакллантириш. Тошкент, 1993."
31. Мусурмонова О.Маънавий кадрятлар - соглом авлодни тарбиялаш воситаси. Тошкент, 1995.
32. Мусурмонова О. Маънавий кадрятлар ва ёшлар тарбияси. Тошкент ,1996.
33. Отамуротов С. ва бошкалар. Маънавият асослари. (Олий укув юртлари учун маърузалар матни) Тошкент. 2000.
34. Ортиков Ню Маънавият: миллий ва умуминсоний кадрятлар. * Тошкент,: «Узбекистан», 1999.
35. Хужамуротов Н. Маънавий кадрятлар ва миллий узликни англаш. Тошкент, 1991.
36. Шайхова Х.О., Назаров К. Умуминсоний кадрятлар ва маънавийкамолот. Тошкент, 1992.
37. Эркаев А. «Маънавият - миллат нишони» Тошкент,: «Маънавият», 1999.
38. Юсупова Э. Маънавият мезонларига янгича ёндашув. «Узбекистон овози», 1995, 30-март.
39. Хужамуротов Н. Саъдуллаев Н. Маънавият -инсоний гузалликдир. Тошкент,: «Мехнат», 1998.
40. Укувчи маънавиятини шакллантириш. Тошкент,: «Шарк», 2000.

[3]ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

ПЕДАГОГИКА ВА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ФАКУЛЬТЕТИ
МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ
ПЕДАГОГИКА КАФЕДРАСИ

УЗОҚОВА ДИЛНАВОЗ МУХИДДИНОВНА
ПЕДАГОГИКА МУТАХАССИСЛИГИ

# "МАКТАБДА МАЪНАВИЙ - МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ"

5А 140801 - ПЕДАГОГИКА МУТАХАССИСЛИГИ БЎЙИЧА МАГИСТР ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ УЧУН ЁЗИЛГАН